

<https://doi.org/10.5281/zenodo.11105699>

**Н.Шарафутдинова**

*ФарДУ*

**Аннотация.** *Мақолада бадий адабиётда перифразлар, шунингдек, уларнинг шоирлар бадий тафаккури орқали воқеликлар, тушунчаларни образли ифодалаши ҳақида фикр юритилади.*

**Калит сўз ва иборалар.** *Перифраза, бадий тафаккур, образ, бадийлик, ифода, кўчим, шеърият.*

Перифраза атамаси лингвистик луғатларда парафраза шаклида қўлланиб, тасвирий ифода, тасвир [5.80], кўчим [1.312, 3.327] тарзида изоҳланади. Адабиётшуносликка доир луғатларда термин перифраз, перифраза шаклида қўлланиб, луғавий маъноси қайта баён қилиш [2.209] атрофида, ёнида, атрофида гапираман [4.267, 6.222] тарзида изоҳланади.

О.Ахманова луғатида кўчим сифатидаги перифразанинг поэтик тури кўрсатилиб, куз – хазин лаҳзалар (унылая пора) бирикмасида ифодаланиши кўрсатиб ўтилади. [1.312]

Ўзбек поэзиясида, хусусан, Абдулла Орипов шеъриятида ҳам бадий перифразалар кенг ўрин олганлиги кузатилади. Шоирнинг бадий тафаккурида куз бир пари фаслидир.

Юргин, далаларга кетайлик, дўстим,

Диққинафас уйда ётмоқ пайтимас.

Олтин Ўзбекистон тупроғи бу кун

Бир пари фаслининг оғушида маст.

Келтирилган мисраларнинг ўзида куз фаслининг муҳим белгилари ўз ифодасини топган ва бу белгилар янада аниқроқ ҳис қилиниши учун шеърнинг сарлавҳаси ҳам маъно очқич бирикмаси сифатида хизмат қилади: шеър “Ўзбекистонда куз” деб номланади. Шунингдек, далаларга чорлов қиш ёки ёз чилласида эмас, тўкинлик фасли, сўлим бир фасл, чиндан ҳам бир пари фаслда бўлиши мантиқий тафаккурга ҳам мос тушади.

А.Ориповнинг “Баҳор” номли шеърида баҳор фаслининг шаббодаси, сабоси “ел” сўзи билан ифодаланиб, унинг тасвирий ифодаси “тоғларнинг гўзал арвоҳи” перифразасида ўзининг гўзал, бадий ифодасини топган.

Қайдадир гулшандан ахтариб висол,

Ел кезар – тоғларнинг гўзал арвоҳи.

Шоирнинг дилрабо байтлари мисол,

Оқ тортиб тизилар турналар оҳи.

Перифраз – тасвирий ифодалар контекстда мавжуд бўлган сўзлардан бирига мазмунан боғлиқ бўлади. Перифраза шу сўзда англашилган тушунчани тавсифий тасвирда ифодалаб келади, яъни тасвирлаш орқали қайта номлайди. Юқоридаги тўртликда “тоғларнинг гўзал арвоҳи” перифразаси “ел” сўзига боғланган ва унинг тавсифий ифодаланган эквиваленти бўлиб келган.

А.Ориповнинг “Арманистон” шеърида Арарат тоғининг таърифи перифраз усули билан берилган.

Бир ёнингда турар оқсоч Арарат –  
Тоғлар тасбеҳининг гавҳар донаси.  
Нима ҳам дер эдим, гўзалсан фақат,  
Эй сен арман юртин ғамгин онаси.

Тўртликнинг иккинчи мисраси биринчи мисрадаги охирги сўз – Арарат сўзининг, яъни тоғ номининг перифраз типигадаги бадий ифодаси ва, шу билан бирга, номи ҳамдир.

Ғофур Ғуломнинг келтириладиган тўртлигидаги охирги мисра бадий перифразанинг типик намуналаридан биридир.

Сени ҳам домига тортмоқ бўлади,  
Севги деб аталган бу эски шева;  
Ўзига куёв деб номзод атади,  
Миллиард йигитлардан тул қолган бева.

Севги сўзида ифодаланадиган тушунча Ғофур Ғуломнинг бадий-эстетик тафаккури маҳсули сифатида “миллиард йигитлардан тул қолган бева” жумласида ифодаланган. Айни шу номда тушунча образли ифодаланган “бева” сўзи орқали эри ёки хотини вафот этган индивид киши кўз олдига гавдаланади, талоқ орқали ажралишган хтин ёки эр қиёфаланади. Бу эса образлиқдир. Бадийлик образ ва образлиқдан иборат бўлади.

Перифраза яратиш усулларида бири инкор усулидир. Маълум бир сўз ва у англатган тушунча шу контекстнинг ўзида инкор қилинади, у сўз перифраз бутунликда такрорланади, натижада янги, ўзига хос тавсифий ном ҳамда тушунча вужудга келади.

Миноралар эмас бу – фалакка қасам,  
Қасоскор боболар кетмишлар санчиб.  
Мен тортган ғамни ҳам бир-бир санасам,  
Ўлик фиръавнлар кетарлар сапчиб.

Кўринадик, миноралар миноралар эмас, улар қасоскор боболар томонидан муҳрлаб кетилган қасамлардир. Боболарнинг бу қасамлари адолат, ҳақиқат деган таъкид маънолари юкланган қасамёд бўлиб, у нафақат фалакка, бизларга ҳам қаратилган.

Алишер Навоийнинг қуйидаги байтида бу усул ўзининг классик ифодасини топган.

Эмас васлинг тилаб учган кўзим атрофида кирпик,  
Ким ул дарёйи қушларга қамишдин ошёндин бу.

Васлингни тилаб кўзим атрофида учаётган киприклар киприклар эмас, у дарё қушлари уя қуриши учун қамишлардир. Англашиладики, киприк қамиш, унга дарё қушлари уя қуради. Дарё қушлари эса киприкни ошён тутиб, шу ошёндин ажралмаслик учун титраб турган кўз ёшларидир. Маълумки, перифраза терминида кайта баён қилиш тушунчаси ҳам ифодаланади, шу маънода “қамишдан ошиёндин бу” перифраза доирасига киради. Демак, байтда киприк инкор қилинган, у қамиш; кўз ёшлари эса дарё қушлари.

Перифразалар хулосавий фикр, ҳукм тарзида ҳам яратилади. А.Ориповнинг “Ранжком” драматик достонида муҳаррир сифатлари тасвиридан сўнг ҳукм перифраза тарзида ифодаланади.

Муҳаррир-чи, ўз номини билмаган нодон,  
Бири икки бўлмаган чол, айниган мия.  
Икки марта халқ душмани бўлса-да, ҳамон  
Қичқиради, коммунизм қурамиз дея.

Муҳаррирнинг сифатлари қуйидагилар: ўз нафини билмайдиган одам, нодон одам, бири икки бўлмаган одам – чол. Айниган мия ҳукм ифодаланган перифраз ном. Бу номда муҳаррир англашилади. Бу номни сифатловчи сифатида айниган мия одам, айниган мия чол тарзида қўллашни бирикиш имкониятлари мантиқан кўтармайди, бу перифраз ифодада муҳим белгилар ҳам, шу муҳим белгиларнинг эгаси бўлган предмет – индивид ҳам англашилади.

Мумтоз шеъриятда Яратгувчи, номинал атамалар билан бирга, перифраз номлар билан ҳам ифодаланган.

Чун Сурайё бормусан, афлокдун боломусан,  
Бу фалакда кўрмадим, эй кўзи чўлпоним менинг.  
Машрабинг топқайму излаб шаҳру саҳрони кезиб,  
Юзи тўлган ой каби, эй кўзи чўлпон, қайдасан?

Бобороҳим Машраб мисраларида қўлланган кўзи чўлпон бирикмаларида Яратгувчи номи перифраза шаклида ифодаланган.

Умуман, бадий адабиётда бадий перифразалар бадийликни янада кучайтириш, образлилик учун кенг қўлланади.

**АДАБИЁТЛАР:**

1. Ахманова О.С. Словарь лингвистических терминов. – М.: “Советская энциклопедия”, 1969.
2. Квятковский А. Поэтический словарь. – М.: “Советская энциклопедия”, 1972.
3. Розенталь Д.Э., Теленкова М.А. Справочник лингвистических терминов. – М.: “Просвещение”, 1972.
4. Тимофеев Л.И., Тураев С.В. Словарь литературоведческих терминов. – М.: “Просвещение”, 1974.
5. Хожиев А. Тилшунослик терминларининг изоҳли луғати. – Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси”, 2002.
6. Қуронон Д., Мамажонов З., Шералиева М. Адабиётшунослик луғати. – Тошкент: “Академнашр”, 2020.
7. Алишер Навоий. Танланган асарлар.
8. Бобораҳим Машраб. Меҳрибоним қайдасан. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1990.
9. Орипов А Танланган асарлар. Тўрт жилдлик. Биринчи жилд. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 2000.
10. Орипов А Жаннатга йўл. Тўрт жилдлик. Биринчи жилд. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-манбаа ижодий уйи, 2018.
11. Sharafutdinova N. The words god and blue (ko'k) are theonyms, the words god and blue (ko' k) are theonyms, Vol-7-Issue Q2- 2022. 8
12. Sharafutdinov Khursanbay. Gafur Pulatov: The Cry Of Herirud, The American Journal of Social Science and Education Innovations, June 29, 2021 | Pages: 149-157).
13. Шарафиддинов Х. Уруш гувоҳи бўлган дарё. Filologiyaning dolzarb muammolari va innovtsion yechimlari. Xalqaro anjuman materiallari to'plami. FarDU, 2022.
14. Х.Шарафиддинов. Уруш даври она ва бола фожиасининг бадий тасвири. Analytical Journal of Education and Development. Volume: 03 Issue: 03 | Mar-2023 ISSN: 2181-2624.
15. Шарафиддинов, Х. Ғафур Ғулом шеъриятида вақт ифодалаш усуллари. Oriental Renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences. SJIF 2023 = 6.131. 3(11), November, 2023.
16. Sharafutdinova N. Mythology - ancient man's fiction. EPRA International Journal of Multidisciplinary Research (IJMR) - Peer Reviewed Journal Volume: 7 | Issue: 5 May 2021.
17. Sharafutdinova Nilufar Xursandovna. Ko'k so'zining teonimik ma'nosi. FarDU ilmiy xabarlari. 2022, 6.